

# **Педагогик назорат ва таълим сифатини баҳолаш**

# Режа

- 1. Таълим жараёнини бошқариш тушунчаси**
- 2. Таълимни бошқариш тизимини яратиш асослари.**
- 3. Жаҳонда таълимни молиялаштириш муаммолари**

# ***Таълим жараёнини бошқариш тушунчаси***

- Олий мактабга қўйилаётган талаблар кучайиб бораётган шароитларда ишни ташкил этиш сезиларли даражада оғирлашди ва профессионал бошқарувни талаб қилмоқда. Инглизча “management” – “бошқарув” сўзи латинча “manus” – “қўл” сўзининг ўзагидан келиб чиққан. Ҳозирги вақтда менежмент жамият ҳаётининг барча томонларида акс этувчи мураккаб ижтимоий-иқтисодий ҳодисани ўзида ифодалайди.

- Билимларни ва интеллектуал капитални улардан янада самаралироқ фойдаланиш мақсадида бошқариш сўнгги йилларда биринчи даражали аҳамият касб этмоқда. Билимлар бошқарув объекти сифатида қаралиши лозимлиги янада теранроқ англаб етилмоқда. Корхоналарнинг рақобатбардошлик даражасига уларнинг билимларни жамғариш, таҳлил қилиш ва ривожлантириш, инновацияларни яратиш ва пировард натижада рақобатда барқарор устунликларга эришиш қобилиятлари тобора кучлироқ таъсир кўрсатмоқда.

- Илғор хорижий компаниялар (General Motors, Philip Morris, Rank Xerox ва бошқалар) билимлар менежментига ўз даромадларининг 3,5–10% ни йўналтирадilar. Фирмалар таркибига билимлар трансферти бўйича вице-президент, билимлар айирбошлаш бўйича менежер, интеллектуал мулкни бошқариш бўйича директор каби муҳим лавозимлар киритилган.

- Кўпгина мутахассислар фикрига кўра, ривожланган таълим тизими рақобатбардошлик даражасини белгиловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Иқтисодий тизимлар рақобатбардошлик даражасининг ошишида таълим ролининг кучайиши бир қанча омиллар билан белгиланади. Биринчи – жамият ҳаётида ахборот ролининг ўзгариши билан. Ахборот одатдаги моддий, энергетика ресурслари каби стратегик ресурсга айланади.

- Фаолиятнинг барча соҳаларини бошқаришнинг самарадорлиги зарурий ахборотдан фойдаланиш ва уни истеъмолчига тақдим этиш имкониятига боғлиқ бўлади. Бу рақобатбардошлик даражасини ошириш омилларидан бири ҳисобланади. Иккинчи – стратегик ахборотни оператив бошқаришга ва олинган ахборотни билимларга айлантиришга, муттасил таълим олишга, янги технологияларга мослашишга қодир бўлган мутахассислар эҳтиёж туғилиши билан.

- Шундай қилиб, таълим илмий-техникавий ва иқтисодий ривожланишнинг муҳим элементи гагина эмас, балки шахс ва жамият ижтимоий ва маънавий ривожланишининг бевосита таркибий қисмига ҳам айланди. Шу туфайли ҳам таълим жараёнини бошқариш натижаси муҳим ижтимоий-иқтисодий омил ҳисобланади.

# Таълимни бошқариш тизимини яратиш асослари

- Жамиятдаги иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар шу жумладан таълим соҳасида ҳам турли-туман фаолиятни амалга ошириш шароитлари ўзгаришига олиб келди. Ўзгаришларнинг моҳияти шу билан белгиланадики, иқтисодий ислохотларнинг ижтимоий томони кучаяди. Бунда меҳнат жамоасини бошқариш тизимини яратишда шахс омилини ҳисобга олиш, инсон ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш долзарб аҳамият касб этади. Бундай шароитларда инсон ресурсларини бошқариш борасидаги фаолият алоҳида аҳамият касб этади.

- Жамиятдаги иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар шу жумладан таълим соҳасида ҳам турли-туман фаолиятни амалга ошириш шароитлари ўзгаришига олиб келди. Ўзгаришларнинг моҳияти шу билан белгиланадики, иқтисодий ислохотларнинг ижтимоий томони кучаяди. Бунда меҳнат жамоасини бошқариш тизимини яратишда шахс омилини ҳисобга олиш, инсон ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш долзарб аҳамият касб этади. Бундай шароитларда инсон ресурсларини бошқариш борасидаги фаолият алоҳида аҳамият касб этади.

- Жаҳон амалиётида таълим жараёнининг ривожланишига ва таълим муассасаси сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилишига имконият яратувчи бошқарувни йўлга қўйиш ва амалга ошириш масаласи кун тартибига яқинда қўйилгани йўқ. Педагогик жараённинг, таълим олувчининг, ўқитувчи касбий ва шахсий фазилатларининг ҳамда янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда бошқарув фаолияти мазмунининг ривожланишини таъминловчи бошқарув зарур.

- “Бошқарув” тушунчаси одатда тизимни бир ҳолатдан янада сифатлироқ бўлган бошқа ҳолатга ўтказиш, яъни муттасил ривожланиш сифатида тавсифланади. Таълим соҳасида норматив ҳужжатларда ўз аксини топган муайян сиёсатсиз ривожланиш ҳақида гапириш мушкул.
- Ривожлантирувчи бошқарув замирида субъект-субъект муносабатлари ётади. Мазкур бошқарувнинг моҳияти илмий-педагогик адабиётларда “педагогик бошқарув” атамаси билан белгиланган. У илк бор бошқарувга оид атамалар мажмуига Ю.В.Васильев томонидан киритилган.

- Педагогик бошқарувни баъзан демократик бошқарув деб ҳам атайдилар, бунда демократия омилини ходимларга муносабат сифатида тушунадилар. Айрим илмий ишларда уларнинг муаллифлари партисипатив бошқарув методларини ўзлаштириш зарурлигини асослашга ҳаракат қиладилар. Бу бошқарувнинг коллектив методларини назарда тутади. Айрим ишларда “инновацион бошқарув” атамаси қўлланилади.

- И.К.Шалаев асарларида “мотивацион бошқарув” тушунчасининг мазмуни таҳлил қилинади. Бунда мотивацион бошқарув жамоа аъзоларига раҳбар буйруқлар ва санкциялар воситасида эмас, балки фаолият андозаси саналган меъёр воситасида изчил таъсир кўрсатиши сифатида тавсифланади.

- Педагогик бошқарув натижага қараб мўлжал олиш билангина кифояланмайди, у педагогик ҳодисага жараён сифатида ёндашади. Бошқарув – янги ғоялар учун очиқ фаолият. У ўз моҳият ва мазмунига кўра инновациондир. Ҳар бир раҳбар ёки педагог ўз педагогик бошқарув маҳоратини муттасил ошириб бориши мумкин. Бировга самарали раҳбар бўлишни ўргатиш мумкин эмас. Бунинг учун таълим олувчининг шахсий иштироки, жиддий назарий ишга унинг тайёрлиги талаб этилади.

- “Инсон омили” – кенг, комплекс, умумий тушунча. Унга турли фанлар – бошқарув, иқтисод, психология, социология, демография ва бошқа фанлар нуқтаи назаридан ёндашилиши лозим. Ҳозирги шароитда инсон омили соҳасида жиддий ўзгаришлар юз берди ва юз бермоқда. Одамлар маърифий, маданий ва касбий даражаси, уларнинг ҳуқуқий ва шахсий ўзликни англаш ҳисси, хабардорлик даражасининг ўсиши, ҳаёт моддий шароитларининг ўзгариши, бошқарувда демократик асосларнинг чуқурлашуви шулар жумласидандир. Раҳбар ўз амалий фаолиятида бу омилларнинг ҳар бирини ҳисобга олиши лозим.

- Янгича фикрловчи раҳбар нуқтаи назаридан энг муҳими пухта ўйлаш ва иш кўришдир. Бунга эришиш учун ўз бошқарув тизими зарур. Шу маънода амалий педагогларнинг ўз бошқарув технологиясини ишлаб чиқиш ва амалга жорий этиш борасидаги фаолияти долзарб аҳамият касб этади.

# Жаҳонда таълимни молиялаштириш муаммолари

- Таълимни давлат томонидан молиялаштириш кўлами – у ёки бу мамлакат сиёсатини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири. Бунда молиялаштириш қайси даражадаги манбалардан ва қандай нисбатда амалга оширилаётгани ҳам муҳим масала ҳисобланади.

- Сўнги ўн йилликлар мобайнида ривожланган мамлакатларнинг аксариятида таълим соҳасида турли-туман ислоҳотлар амалга оширилди. Улар шу жумладан таълимни бошқариш соҳасини ҳам қамраб олди. Марказлаштиришдан чиқариш, бошқарув ваколатлари ва функцияларининг кўпчилигини марказдан қуйи даражаларга бериш, бошқарув жараёнида жамоатчилик иштирокини кенгайтириш тенденцияси ҳам бўртиб намоён бўла бошлади. Бунинг натижаси ўлароқ кўпгина давлатларда таълимни молиялаштириш усуллари ва механизмларида жиддий ўзгаришлар юз берди.

- Айрим мамлакатларда таълимни марказлаштиришдан чиқаришга қаратилган ислохотлар амалга оширилди (Бельгия, Буюк Британия, Испания, Франция ва б.), баъзи мамлакатларда тегишли қарорларни қабул қилишда маҳаллий ҳокимият органларининг роли кучайтирилди (Финляндия, Швеция), айрим мамлакатларда ўқув муассасаларини сақлаб туриш харажатларини молиялаштиришнинг (Нидерландия) ва олим таълимни молиялаштиришнинг (Бельгия, Финляндия) янги моделлари жорий этилди, баъзи мамлакатларда эса мактабларнинг ўз бюджетини бошқариш ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилди (Буюк Британия). Аммо, бошқарув соҳасидаги ислохотлар ва янгиланиш жараёнларига қарамай, таълим бериш ва уни молиялаштириш учун асосий жавобгарлик аввалгидек турли даражадаги давлат ҳокимияти органлари зиммасига тушмоқда.

- Ваколатларни тақсимлаш структураси ва уларнинг у ёки бу даражада мужассамлашув даражасига кўра ривожланган мамлакатларни икки асосий гуруҳга бирлаштириш мумкин:

- **Биринчи** – таълимни бошқариш марказлаштирилган мамлакатлар;
- **Иккинчи** – таълимни бошқариш марказлаштиришдан чиқарилган мамлакатлар (уларда мавжуд молиялаштириш тизимлари айна шу омил билан бевосита боғлиқ).

-

- Биринчи гуруҳга Греция, Ирландия, Италия, Португалия, Франция, Исроил, Япония ва саноат жиҳатидан камроқ даражада ривожланган айрим бошқа мамлакатлар киради.

- Иккинчи гуруҳга Бельгия, Германия, Буюк Британия, Испания, Нидерландия, Норвегия, Швейцария, Швеция, АҚШ, Канада, Австралия ва бошқа бир қанча мамлакатлар киради.

- Таълимни бошқариш ўта марказлаштирилган давлатга *Ирландия* мисол бўлиши мумкин. Бу ерда мактабни давлат томонидан молиялаштириш деярли тўлалигича марказий ҳукумат томонидан Таълим департаменти (вазирлиги) орқали амалга оширилади: бу бошланғич таълимга капитал харажатларнинг 85% (қолган 15% маҳаллий ҳокимият органларидан тушади), ўрта касб-ҳунар ўқув юртлари, жамоа коллежлари ва бирлаштирилган ўрта мактабларга капитал харажатларнинг деярли ҳаммасидир. Давлат жорий фаолиятга дотацияларни ҳар бир ўқувчи учун ҳисоблаб ажратади ва улар мактабларнинг кенгашларига тўғридан-тўғри ўтказилади. Барча ўқитувчиларга иш ҳақи ҳам марказий бюджетдан тўланади.

# *Италияда*

- Халқ таълими вазирлиги таълим муассасаларининг барчаси учун умумий жавобгар бўлади. Маҳаллий даражада унинг вилоят (минтақа) ва провинция бўлимлари фаолият олиб боради. Улар марказда қабул қилинган сиёсий ва маъмурий қарорларни амалга ошириш билан шуғулланади. Улар орқали мажбурий таълим босқичи педагогик ва нопедагогик ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, ўқув материалларига харажатлар, шунингдек педагоглар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш амалга оширилади. Касб-ҳунар техника ўқув юртларига капитал қўйилмалар ва уларнинг кундалик харажатлари бевосита вазирлик томонидан қопланади.

- Минтақаларга ўқув юртлари биноларидан фойдаланиш, транспорт, ўқувчиларни овқатлантириш харажатларини қоплаш ҳамда уларни bepул дарсликлар ва ўқув материаллари билан таъминлаш юклатилган.
- Умуман олганда Италияда жами маблағларнинг 74-75% бевосита давлат бюджетидан; 17-18% – жамоалардан (яъни муниципалитетлардан); 4,5-5% – провинциялардан ва 3,5-4% – вилоятлардан тушади.

# Францияда

- (бошқа кўпгина мамлакатлардаги каби) таълим харажатларини молиялаштириш унинг типига (капитал қўйилмалар, жорий харажатлар, ходимлар ва ҳ.к.) ва таълимнинг даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бинолар қуриш ва ўқув муассасаларининг асбоб-ускуналари учун жавобгарлик жамоаларга (мактабгача таълим муассасалари ва бошланғич мактаблар), департаментларга (кичик ўрта мактаблар – коллежлар), минтақаларга (катта ўрта мактаблар – лицейлар) ва давлатга (университетлар) юклатилади. Жорий харажатлар ҳам айти шу схемага биноан мутаносиб равишда тақсимланади, лекин уларнинг асосий улуши давлат бюджетидан қопланади.

- Таълим соҳасида бошқарув марказлаштиришдан чиқарилиши, коллежлар ва лицейлар учун жавобгарлик минтақалар ва департаментларга юклатилиши натижасида таълим соҳасига давлат харажатларининг бюджет тузилиши ўзгарди: эндиликда асбоб-ускуналар ва жорий харажатларга фондлар Ички ишлар вазирлиги бюджетидан ажратилади. Таълим тизими барча даражалари ходимларининг иш ҳақи, умумий бошқарув, касбга йўналтириш, ўқувчиларга тиббий хизмат кўрсатиш, кутубхона хизматлари, педагогик тадқиқотлар, педагогик кадрлар тайёрлаш давлат бюджетидан таъминланади. Олий таълим, шу жумладан университет таълими давлат бюджетидан Олий таълим вазирлиги сметаси бўйича молиялаштирилади.

# Австрия

- федератив давлат ҳисобланади ва конституцияга мувофиқ умумий ваколатлар мамлакатда федерация ва тўққиз ер (вилоят) ўртасида тенг тақсимланган. Аммо таълим соҳасида ваколатларнинг энг катта ҳажмига таълим ва санъат федерал вазирлиги эга. Ушбу вазирликка таълимнинг барча даражалари учун умумий жавобгарлик юклатилган, шунингдек у ўқув режалари, дастурлари, дарсликлар ва ҳоказоларни тасдиқлайди. Ерлар юрисдикциясига мажбурий таълим киритилган, лекин бу ваколатлар одатда муниципалитетларга берилади. Шу туфайли ҳам мажбурий умумий таълим мактабларининг барчаси муниципалитетлар томонидан таъминланади ва молиялаштирилади. Мажбурий таълим касб-ҳунар ўқув муассасалари ерлар томонидан, барча турдаги катта ўрта мактаблар эса – федерал ҳукумат томонидан ташкил этилади ва молиялаштирилади.

# Швецияда

- Таълим ва маданият вазирлиги таълим тизимида умумий раҳбарликни амалга оширади. Асосий ва ўрта мактаблар фаолиятига муниципалитетларнинг мактаб бўлимлари раҳбарлик қилади. Улар мазкур ўқув муассасалари бўйича харажатларнинг асосий қисмини ўз зиммасига олади. 1993 йилдан бошлаб муниципалитетларга давлат субсидиялари фақат муниципалитетлар ўртасидаги молиявий-иқтисодий тафовутларни бартараф этишга қаратилган “харажатларни тенглаштиришга умумий субсидия” шаклида ўтказилади. Уларнинг кўпчилиги тўлиқ бюджетни мактабларга ўтказиши ва уларга иш ҳақи, ўқувчиларга текинга бериладиган дарсликлар ва ўқув материалларини харид қилиш, асбоб-ускуналар сотиб олиш, фойдаланиш харажатлари ва ҳоказоларга бюджет маблағларини сарфлашда мустақиллик беради. Мактаблар ҳам, айтайлик, биноларни ижарага беришдан олинган харажатларни эркин тасарруф этадилар.

# Жаҳонда таълимни молиялаштиришнинг замонавий моделлари.

Ҳозирги вақтда олий таълимни молиялаштириш билан боғлиқ бир қанча тенденцияларни қайд этиш мумкин.

**Биринчи тенденция** – мазкур соҳага давлат харажатлари улушининг қисқартирилиши. Сўнгги йилларда турли сабабларга кўра кўпгина мамлакатлар олий таълимга бюджетдан ажратилмаган маблағлар улушини сезиларли даражада камайтирдилар. Масалан, харажатларнинг сезиларли даражада қисқартирилиши ҳатто Буюк Британия, Австралия ва Янги Зеландия каби мамлакатларда қайд этилди. Айни пайтда, баъзи мамлакатларда молиялаштириш камайтирилгани йўқ, айрим ҳолларда эса у ҳатто кўпайтирилди (Австралия, Швеция, Португалия).

- **Иккинчи тенденция** олий таълим одатда текин бўлган мамлакатларда ўқиш учун ҳақ тўлаш жорий этилиши ҳисобига маблағларни қайтаришга қаратилган ҳаракатлар ёки мазкур амалиёт мавжуд бўлган мамлакатларда тўлов миқдорларининг оширилиши билан боғлиқ. Илгари кўпгина мамлакатлар олий таълимдан эркин баҳраманд бўлиш имкониятини таъминлаган бўлсалар, эндиликда, бир нечта мамлакатлар (масалан, Бразилия, Шри-Ланка, Танзания ва Европанинг айрим мамлакатлари)дан ташқари, кўпгина мамлакатларда олий ўқув юртида ўқиш учун ҳақ олинадиган бўлди. Натижада аксарият ўқув муассасалари “харидоргир” фаолият турларини ривожлантира бошламоқдалар, чунончи: хизматлар, асосан консультатив хизматларни, турли-туман буюмлар ва патентларни сотмоқдалар.

# Япония модели

- Мисол тариқасида Японияда олий таълимни молиялаштиришнинг асосий йўналишларини кўриб чиқамиз.
- Японияда таълимни молиялаштириш ҳам миллий ҳукумат томонидан, ҳам префектуралар ва муниципалитетларнинг маъмуриятлари томонидан амалга оширилади. Таълимга ҳукумат харажатлари миллий таълим муассасаларини таъминлашга ажратиладиган маблағлардан ва маҳаллий даражада таълимни қувватлашга ва хусусий ўқув юртлари учун ажратиладиган субсидиялардан таркиб топади. Маҳаллий даражада таълим харажатларини молиялаштириш ҳажми префектуралар ва муниципалитетларнинг маъмуриятлари томонидан йиғилган солиқлар ва бошқа даромадлар миқдorigа қараб белгиланади.

- 2002 йилда таълим харажатлари миллий даромаднинг 8,1% ва жами давлат харажатларининг 13,8% даражасида режалаштирилган эди. Харажатларнинг энг катта қисми (80% га яқини) 9 йиллик мажбурий таълимга тўғри келади. У Конституция ва Таълим тўғрисидаги қонунга мувофиқ бепулдир. Урта мактабнинг юқори синфларида, шунингдек олий ўқув юртлирида ўқиш учун белгиланган миқдорда ҳақ тўлаш талаб этилади. Миллий олий ўқув юртлирининг талабалари учун тўлов даражасини Таълим, фан, спорт ва маданият вазирлиги белгилайди, префектуралар ва муниципалитетларнинг ўқув юртлирида ўқиш ҳақи эса маҳаллий қонунлар билан белгиланади. Мажбурий таълим тизимида банд бўлган ўқитувчилар маошига вазирлик бюджети маблағларининг 46,5% йўналтирилади, бу ўқитувчилар иш ҳақи фондининг ярмини ташкил этади, фонднинг иккинчи ярми маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилади.

- Вазирлик молиялаштиришни йилдан-йилга қисқартириб бориш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу ҳар бир ўқув муассасаси маблағларни камроқ сарфлаши ва кўпроқ ишлаб топиши лозимлигини англатади. Қисқарган маблағлар ўрнини тўлдириш учун Вазирлик тадқиқот жамғармаларининг типларини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда.

# Талабаларни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимлари

- *Германияда* ўқишга ҳақ тўлаш ва умуман таълим олиш учун маблағларга (асосан ота-онасидан) эга бўлмаган олий ўқув юр்தларининг талабалари Федерал таълимни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги акт (Bundesausbildungsförderungsgesetz) шартларига мувофиқ молиявий ёрдам олишлари мумкин.

- Молиявий ёрдам кўрсатиш муддати асосан танланган таълим курсига боғлиқ бўлади. Молиявий маблағлар талабаларнинг эҳтиёжларини қондириш учун таътил даври мобайнида ҳам тўланади. 2001 йил 1 апрелдан ота-онаси билан яшамайдиган олий ўқув юртлари талабалари учун тўлиқ молиялаштириш бир ойда 585 еврогача етади (таъминот учун 466 евро, тиббий суғуртага 47 евро ва турар жой ҳақини тўлашга 64 евро). Бу маблағларнинг ярми максимал муддат мобайнида тўланади ва уни қайтариш талаб этилмайди, иккинчи ярми – бу давлатга қайтарилиши лозим бўлган фоизсиз қарз. Ушбу қарзни қайтариш шартлари ижтимоий шароитлар ва даромад даражасига боғлиқ бўлади.

# Олий таълимни молиялаштиришнинг янги манбаларини ривожлантириш

- Ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатларда ўрта мактаблар битирувчиларининг тахминан 33% олий ўқув юртларида ўқишни давом эттирмоқдалар, АҚШда бу кўрсаткич 44% гача, Японияда эса – 40% гача етади. Натижада жамиятда умумий олий таълимга ўтиш эҳтиёжи шаклланмоқда ёки шакллана бошламоқда. Айни пайтда ёш авлоднинг ижтимоийлашуви, яъни ҳозирги жамият шароитида унинг ҳаётга тайёрлик даражасини ошириш ва таълим муддатларини узайтириш ҳисобига меҳнат бозорига тушаётган ортиқса юкни бартараф этиш ҳам ўрта мактабнинг вазифаларига айланди.

- Жанубий Корея, Тайвань, Сингапур ва Осиё-Тинч океани минтақасининг бошқа мамлакатларида иқтисодий модернизация жараёнлари амалиётида қўлланилди. Бу мамлакатлар технологик ривожланишнинг юксак ва барқарор даражасига эришгач, жаҳон иқтисодиётида юксак марраларни эгаллаш учун олий таълим соҳасида “олға сакраш” учун замин яратдилар. Олий таълим аста-секин мактаб битирувчиларининг аксарияти (35—40%) учун очиқ тус олди, ўзининг аввалги элитар хусусиятини йўқотди. Олий таълим тизимида давлатнинг роли ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Айнан давлат олий касб-ҳунар маълумотиغا эга бўлган мутахассисларни тайёрлашни молиялаштиради. Давлат томонидан молиялаштириш ва таълим соҳасига нодавлат маблағлари қуйилишини рағбатлантириш учун жаҳоннинг энг яхши университетларида мутахассислар тайёрлашни давлат томонидан таъминлаш амалиёти кенг қўлланилади.

# Уйга вазифа

- ***Жаҳонда таълимни молиялаштиришнинг замонавий моделлари, Швеция, Франция, Австрияда таълимни молиялаштириш муаммоларини топиб, ўқиб, ўрганиб, конспект қилиш.***

